
Деҳқон бозорида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Халқ депутатлари Қува туман Кенгаши депутатлари туман деҳқон бозорида озиқ-овқат товарлари, полиз ва сабзаёт маҳсулотларининг сотувдаги нархи ва сақланиши бўйича ўрганиш ишларини олиб бордилар. Ўрганишлар натижаларига кўра бозорда пахта ёғининг бир литри 17000-18000 сўмдан, шакар 12000-14000 сўмдан, тухум 900-1100 сўмдан савдога чиқарилганлиги, картошка 2500-4000 сўмдан, 1 кг мол гўшти 60000-70000 сўмдан сотилаётганлиги аниқланган. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар, тижорат дўконларидаги маҳсулотлар нархларини харидорларга кўринарли қилиб ёзиб қўйиш бўйича бозор раҳбариятига тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

2022-09-08 13:41:26